



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА ВАЛЮТА АЙИРБОШЛАШ ЖАРАЁНИ ТАҲЛИЛИ

[doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a10](https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a10)

Камилова Санобар Мирджамаловна –
ТДИУ ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг илмий асослари
ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази,
стажёр тадқиқотчи

Аннотация. Ушбу мақолада тижорат банкларида валюта айирбошлаш жараёни таҳлили, рақамли иқтисодиёт шароитида уни янада ривожлантириш истиқболлари, валюта курсининг шаклланиши, валюта айирбошлаш таҳлил қилинган. Мазуга оид муаммолар ўрганилиб, уларга илмий асосланган хулосалар берилган.

Калит сўзлар: банк, валюта операцияси, валюта сиёсати, хорижий валюта, девальвация, экспорт-импорт, молия бозори, курс, айирбошлаш, харид қобилияти, ҳисобрақам.

АНАЛИЗ ПРОЦЕССА ОБМЕНА ВАЛЮТЫ В КОММЕРЧЕСКИХ БАНКАХ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКИ

Камилова Санобар Мирджамаловна –
Стажер-исследователь Научно-исследовательского
центра «Научные основы и проблемы
развития экономики Узбекистана» при ТГЭУ

Аннотация. В данной статье анализируется процесс обмена валюты в коммерческих банках, перспективы его дальнейшего развития в условиях цифровой экономики, формирование обменного курса, курс обмена валюты. Проблемы по теме изучены, и по ним даны научно обоснованные выводы.

Ключевые слова: банк, валютная операция, валютная политика, иностранная валюта, девальвация, экспорт-импорт, финансовый рынок, обменный курс, обменный курс, покупательная способность, счет.

ANALYSIS OF THE PROCESS OF CURRENCY EXCHANGE IN COMMERCIAL BANKS IN THE CONDITIONS OF THE DIGITAL ECONOMY

Kamilova Sanobar Mirdjamalovna –
trainee researcher Research center «Scientific bases
and issues of economic development of Uzbekistan»
under Tashkent State University of Economics

Annotation. This article analyzes the process of currency exchange in commercial banks, the prospects for its further development in the conditions of the digital economy, the formation of the exchange rate, the currency exchange rate. The problems of Mazu have been studied and they have been given scientifically based conclusions.

Keywords: bank, foreign exchange operation, foreign exchange policy, foreign currency, devaluation, Export-import, financial market, exchange rate, exchange rate, purchasing power, account.

Кириш. Амалиётдан маълумки, банк-молия тизимининг тараққий этиши биринчи навбатда, давлатнинг инвестицион салоҳиятининг даражасига боғлиқ. Мамлакатнинг инвестицион салоҳияти – валюта сиёсатининг эркинлаштирилганлик даражасига, натижада эса, тижорат банкларининг валюта операцияларининг ривожланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида валюта сиёсатини либераллаштириш соҳасида давлат иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари белгилаб берилди ва валюта сиёсатини либераллаштирилиши натижасида 2017 йил 5 сентябрдан бошлаб, мил-

лий валюта – сўм АҚШ долларига нисбатан қарийб икки баробар девальвацияланди[1]. Бунинг натижасида куйидаги муаммолар юзага келди:

- иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг импортни тўлаш масаласи қийинлашиши (курснинг кескин ошиши ҳисобига);

- хорижий валюталардан олинган банк кредитларини қайтариш билан боғлиқ харажатлар кескин ошиши (курс кескин ошиши ҳисобига).

Оқибатда, прогнозларга мувофиқ, импорт ҳажмини қисқариши ва хорижий валютадаги кредитларни қайтара олмаслик эҳтимоли кучайди. Лекин амалда кескин девальвация бўлишига қарамай, импорт ҳажми барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлди. Бунда асосий

муаммолар сифатида қуйидагиларни кўриш мумкин:

- экспорт-импорт операциялари очик сиёсат юритилгунга қадар қатъий назорат остида амалга оширилганлиги;

- муддатли валюта операцияларини амалга ошириш жараёни ўта суслиги;

- валюта бозорининг барқарор ликвид маблағлар билан тўлиқ таъминланмагани;

- хорижий валюталарга барқарор талаб юзага келмаганлиги бу ҳолатда республика валюта биржасида АҚШ долларини сотиб олишга талаб узлуксиз ошиб бораётганлиги кўрилади. Бунинг натижасида сўмнинг АҚШ долларига нисбатан алмашинув курси тўхтовсиз пасайиб бормоқда;

- мамалакат жорий валюта бозорининг ликвидлигини таъминлаш имконияти юзага келмаган. Бунинг натижасида Ўзбекистон банклари томонидан муддатли валюта операциялари деярли амалга оширилмайди;

- корхона ва ташкилотларнинг жорий валюта ҳисоб варақаларини юритиш тартиби ҳаддан зиёд расмийлаштирилган ва битимларнинг объектига қараб йўналтирилган. Натижада корхоналар фақат белгиланган товарларни харид қилиш учунгина тўловни амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бу товарларни харид қилиш учун тузилган шартномалар ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида ҳамда мижозга хизмат кўрсатувчи банкда албатта қайд этилиши керак;

- тижорат «спот»курсларининг бозор баҳосини шакллантиришда айрим муаммолар мавжудлиги. Бу жорий савдо операцияларини, банкларнинг депозит ссуда операцияларини амалга оширишга тўсқинлик қилади, чунки бунда курснинг кескин ва фавқулотда ўзгариш хавфи сақланиб қолади;

- халқаро ҳисоб-китоб операциялари тўлов нисбатан юқори даражада кафолатланган ҳисоб-китоб шаклларида амалга оширилмоқда.

Бундай ҳолатлар мамлакатимизда юқори ликвидли спот валюта бозорини ривожлантириш, валюта рискдан ҳимоялаш имконини берадиган муддатли валюта битимлари бозорини шакллантириш масалалари долзарблигидан далолат беради.

Ўзбекистон иқтисодиёти ривожланган молия бозорисиз кўтарилма олмайди. Валюта бозори эса, молия бозорининг бир қисмидир. Валюта операцияларида валюта курсини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Нисбатан иқтисодий эркин мамлакатларида курс асосан йирик банклар ва йирик миллий ҳам трансмиллий компания ва корпорацияларнинг маркет- майклерлари томонидан кутилаётган талаб ва таклиф ўртасидаги фарқга боғлиқ ҳолда ўрнатилади.

Валюта курси бир мамлакатнинг пул бирлигини олди-отди битимида қатнашишида бошқа бир мамлакат пул бирлигида намён бўлишини кўрсатувчи қиймат ҳисобланади. Бу баҳо эркин бозор шароитида маълум бир валютага бўлган талаб ва таклифнинг нисбатан келиб чиқиб ўрнатилади ёки ҳукуматнинг давлат банки ҳисобланмиш Марказий банк томонидан ўрнатилади. Бироқ одатда валюталарни қийматини етакчи бошқараётган молия-кредит органларининг ўзаро таъсири натижаси эркин бозорда курсларни кўтарилиши ёки тебранишидан қочишга интилиши бўйича аниқланади.

Ҳозирги кунда дунёда ягона халқаро пул бозори фаолият юритади, у ерда асосий конвертирланадиган валюталар – АҚШ доллари, евро, фунт стерлинг, япон йенаси, Швейцария франки ва бошқа валюталар савдоси амалга оширилади. Бироқ халқаро пул бозорларидаги 90 % кредит операциялари асосий валюта АҚШ долларисида ўтказилади.

Ислохотларнинг жадаллашуви ва Ўзбекистон иқтисодий ва сиёсий вазият яхшиланиб бориши муносабати билан ғарб банклари ишонч қозонган банкларга валюта депозитларни тобора жадал суръатларда жойлаштирмоқда. Мамлакатимиз тижорат банкларида валюта операцияларини амалга оширишда валюта позициялари ҳолатига амал қилинади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Валюта курси, валюта айирбошлашга оид илк назариялардан бири валюталарнинг харид қобилияти назарияси ҳисобланади ва ушбу назария англиялик иқтисодчилар Д. Юм ва Д. Рикардонинг назарий қарашларига асосланади. Д.Рикардонинг фикрича, савдо балансининг дефицити фунт стерлинг қиймати пасайишига олиб келди, валюталарнинг харид қобилияти уларнинг муомаладаги миқдорининг нисбати билан белгиланади[2].

Валюта курси хусусидаги замонавий назариялардан бири сифатида Ф.Махлупнинг “Валюта курси назарияси” деб номланган илмий ишини келтириш мумкин. Ф. Махлуп валюта курсига хорижий валюталар таклифининг таъсирини фақатгина ташқи савдо операциялари мисолида кўриб чиққан. Унинг таҳлилида валюта курсига таъсир қилувчи бошқа омиллар ҳисобга олинмаган[3].

Валюталарнинг харид қобилияти назарияси илмий жиҳатдан биринчи марта швед иқтисодчиси Г. Кассел томонидан 1918 йилда асослаб берилди. Унинг фикрича, мўътадил савдо шароитида шундай валюта курси шаклландики, бу курс тегишли валюталарнинг харид қобилиятини ўзида акс эттиради[4]. Г. Касселнинг фикридан аниқ кўриниб турибдики, валюта курсининг шаклланиши бевосита валюталар-

нинг харид қобилияти билан боғлиқ, бунда асосий эътибор миқдорийликка қаратилади.

М. Фридменнинг фикрича, валюта курси талаб ва таклиф асосида эркин шаклланиши ва давлат уни тартибга солмаслиги лозим[5].

Ж. Вайнернинг фикрича, эркин бозор баҳолари дунёсида ҳам хорижий валюталар бозорини давлатнинг бевосита ёки билвосита аралашувисиз тасаввур қилиш мумкин эмас[6].

О.Н. Покова валюта операциялари деганда валютани сотиб олиш ва сотиш, шунингдек, валюта қимматликлари билан ҳар қандай операцияларни амалга ошириш тушунилади дея таъриф берган[7].


Республикамиз олимларидан Ш.З. Абдуллаева (2005), Т.И. Бобакулов (2007), Н.Х.Жумаев (2007, 2010) ва бошқалар жаҳон валюта тизими ва унинг ривожланиш босқичлари, Ўзбекистонда миллий валюта тизимини ривожлантиришдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари, республикамиз валюта бозорини эркинлаштиришнинг назарий-концептуал ва амалий жиҳатларини асослаб берганлар.

Э.А. Хошимовнинг фикрича, республикамизда муддатли валюта битимларининг биржа бозорини ривожлантириш йўлида ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолардан бири рискни бошқариш тизимини такомиллаштиришдир. Чунки биржа валюта бозоридаги мавжуд тизим

савдо битимлари бўйича мажбуриятлар бажарилмаслиги riskини тўлиқ бартараф этиш имконини бермайди[8].

Тадқиқот методологияси. Илмий тадқиқот давомида мақолада аналитик таҳлил, қиёсий таҳлил, статистик маълумотлар таҳлили, умумлаштириш, гуруҳлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама усуллари, абстракт-мантиқий фикрлаш, қиёсий таҳлил, статистик таҳлил усулларида фойдаланилган. Тадқиқотимизда, қиёсий таҳлил, аналитик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммонинг ечимига олиб борувчи асосий йўналишлар белгиланган. Тадқиқот объекти сифатида Ўзбекистонда валюта айирбошлаш жараёни мисол қилиб олинган.

Таҳлил ва натижалар. Валюта операцияларини амалга оширишда асосий ўринни тижорат банклари эгаллайди. Дунёнинг аксар мамлакатлари қонунчилиги нақдсиз валюта-айирбошлаш операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини асосан тижорат банкларига юклайди. Таъкидлаш лозимки, айнан тижорат банклари ўрнатилган вакиллик ҳисобрақамлари орқали (бошқа тижорат банкларида очилган банкнинг ҳисобрақами) валюта-айирбошлаш битимлари кўринишида ҳисоб-китоб ва тўлов операцияларини амалга оширади.



1-расм. Валюта операциялари таснифланиши[9]

Бу, ўз навбатида, Forex бозорида ҳам тижорат банклари асосий иштирокчилар сифатида қатнашишини белгилаб беради. Тижорат банклари валюта-айирбошлаш операцияларини амалга оширишда қатор махсус бўлимларни ташкил этиши мақсадга мувофиқ:

- валюта бозорида битимларни тузиш учун валюта дилинги (Dealing) бўлими;
- валюта битимларини расмийлаштириш (Back office) бўлими;
- ҳисоб-китобларни амалга ошириш бўлими (Settlements).

Одатда, валюта операциялари деганда, хорижий валюталар ва валютавий қимматликларга мулк ҳуқуқи алмашилиши билан боғлиқ амалга оширилувчи операцияларга айтилади. Тижорат банклари валюта операцияларининг бир неча турлари мавжуд.

Иқтисодий адабиётларда асосан икки тури ажратиб кўрсатилади:

1. Нақд касса битимлари ёки спот операцияси.
2. Муддатли битимлар (уларнинг энг кенг тарқалган шакллари – форвард, опцион, фью-

черс, своп ва бошқалар). Нақд касса битимлари ёки спот операцияси шрти бўлиб, валюта битими тузилгандан сўнг, валюталар икки иш кунда келиб тушса, бу спот операциялари дейилади. Агар банкнинг икки иш кундан кечикса, айбдор банк жарима тўлайди. Бу икки иш кунига банк учун дам олиш ва байрам кунлари кирмайди, шунингдек, ҳар иккала мамлакат банки учун иш кун бўлиши шарт. Муддатли валюта операцияларининг асосий шрти бўлиб, белгиланган муддатда, аммо икки иш кундан ошиқ бўлган муддатда амалга ошириладиган операцияларга айтилади. Муддатли валюта битимларининг энг кенг тарқалган шакли форвард битимларидир. Банк амалиётида форвард битимларини амалга оширишнинг стандарт муддатлари учрайди. Стандарт муддатларга 1, 3, 6, 9 ва 12 ойларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Форвард битимлари одатда валюта курсларининг ўзгариши натижасида юзага келувчи рискларнинг олдини олиш учун бартараф қилиш мақсадида ишлатилади. Масалан, экспортчи товарини 6 ой муддатда тўлаш шрти билан сотди. 6 ойдан кейин у 10 млн. АҚШ доллари миқдоридаги валюта тушумига эга бўлиши керак. Агар 6 ой мобайнида АҚШ долларининг курси тушиб кетса, экспортчи зарар кўради. Зарарнинг олдини олиш учун экспортчи банк билан форвард валюта битимини тузади. Тижорат банки битим имзоланаётган пайтдаги аниқ форвард курсини аниқлайди ва ана шу курс бўйича 90 кундан кейин мижознинг 10 млн. АҚШ долларини сотиб олади.

Тижорат банки зарар кўрмаслик учун битим миқдори, битим муддати, битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкаси, баҳоловчи валютадаги депозитларга тўланадиган фоиз ставкаларини таҳлил қилиб, устама ёки дисконт эканлигини аниқлайди ва валюталарни хежирлайди (суғурталайди). Агар валюта битими бўйича фоиз ставкаси баҳоловчи валютанинг фоиз ставкасидан паст бўлса, бу валюта юқори курсда катировка қилинади ва чиққан кўрсаткич устама сотилади. Агар валюта битимининг фоиз ставкаси юқори бўлса, бу кўрсаткич дисконт бўлади.

Тижорат банкларида валюта операцияларини амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган валюта рискларини ҳисоблаб бориш шарт. Своп операцияси деганда, бир валютани спот операцияси бўйича сотиб олиш ва форвард шрти бўйича сотишига ёки форвард шрти бўйича сотиб олиш ва спот шрти бўйича сотишга айтилади. Тижорат банклари учун своп операцияси валюта хавфхатарини бартараф этиш ва даромад олиш мақсадида қўлланилади. Своп, голд-своп операцияларидан асосан Марказий банклар

кенг фойдаланади. Тижорат банкларида валюта операцияларини амалга ошириш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган валюта рискларини ҳисоблаб бориш шарт.

Масалан, корхона экспорт ва импорт билан фаол шуғулланувчи бўлса – очиқ валюта позициясини тартибга солиш ташқи савдо шартномаларини бажариш муддатларини мувофиқлаштиришнинг энг самарали усули ҳисобланади. Агар корхонанинг фаолияти экспортга йўналтирилган бўлса, унда очиқ позициясини диверсификация усули ёрдамида тартибга солиш мақсадга мувофиқ.

Шунингдек, валютавий опционлардан фойдаланиш, валюта резервларини қўзғалмас мулкга инвестиция қилиш, валюта резервларини қимматли қоғозларга инвестиция қилиш рискни пасайтириш имконини беради. Таъкидлаш лозимки, банклар томонидан амалга ошириладиган валюта операциялари дунё иқтисодиёти доирасида маблағларни эркин равишда тақсимлашга имкон беради ва бу амалдаги молиянинг тартибга солиш функциясидир. Шунинг учун ҳозирги кунда валюта операциялари ҳам миллий иқтисодиётда, ҳам халқаро муносабатлар доирасида жуда фаол амалга оширилмоқда.

Фойдаланиши кўлами бўйича кейинги ўринларни Австралия доллари, Канада доллари, Швейцария франки ва Хитой юани эгаллаган. Умуман олганда, яқин истиқболда ривожланаётган мамлакатларнинг миллий валюталари глобал валюта операцияларида етакчилик қилиш имкониятига эга эмас. Айни пайтда ривожланган мамлакатлар орасида ҳам АҚШ валютасининг юқори ликвидликка эга эканлиги ва валюталар жуфтликларида ва кросс курсларда иштирок этиши боис ҳали-ҳануз етакчиликни бой бермаслигини кўриш мумкин. Ўзбекистонда ҳам биржа ва биржадан ташқари валюта бозорларида асосан АҚШ доллари билан спот валюта операциялари ривожланган. Евро билан савдо инструменти валюта биржаси савдо тизимида қўйилган бўлса-да, унинг кўлами сезиларли эмас. Айни пайтда, Марказий банк ва тижорат банкларида валютали своп операцияларини амалга ошириш учун барча ҳуқуқий асослар етарли. Бироқ валюта билан форвард, фью-черс ва опцион битимлари миллий валюта бозорида ривожланмай қолмоқда.

Хулоса ва таклифлар. Миллий валюта курсининг фақат бир томонга ўзгариши, яъни қадрсизланиши шароитида муддатли валюта операциялари ривожланмайди. Бунинг боиси шундаки, валюта курси ўзгаришидаги ноаниқликдан битим тузувчи томонлар қарама-қарши манфаат кўришлари керак. Бошқача айтганда, кимдир ўзини валюта курси ошиб кетишидан

суғурталаса, иккинчи томон аксинча курс тушиб кетишидан ҳимояланиш пайида бўлади. Бундан кўринадики, Марказий банк валюта бозоридаги интервенция орқали валюта курсининг муттасил ўсишига барҳам бериши керак. Талаб ва таклиф асосида курс шаклланиши табиийки, ҳам пасайиш ва ўсишни қайд этади. Бу эса, валюта бўйича СВОП, форвард, фьючерс ва

опционлар билан операцияларни ривожлантиришга замин яратади. Муддатли валюта операциялари ривожланишининг дастлабки шароитларида Марказий банк ликвидлиликни таъминловчи сифатида иштирок этиши керак, яъни муддатли валюта бозорида ҳам интервенция ўтказиши лозим.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. www.lex.uz – Ўзбекистон республикаси қонун ҳужжатлари миллий базаси.
2. Рикардо Д. Сочинение. Том 2. Пер. с англ. – М.: Политическая литература, 1955. – С. 55.
3. Махлуп Ф. Теория валютного курса. Этот изменчивый обменный курс. Сборник статей. Пер. с англ. – М.: Дело, 2001. – С. 22-82.
4. Селигмен Б. Основные течения современной экономической мысли / Пер. с англ. – М.: Прогресс, 1968. – С. 385.
5. Friedman M. How Well are Fluctuating Exchange Rates Working. - American Enterprise Institute, 1973. – №8. - P.5.
6. Viner J. Problems of Monetary Control. – Princeton, 1964. – P. 245
7. Пакова О.Н., Нехорошева К.И., Побережная Е.В. (2017) Валютные рынки и валютные операции в условиях глобализации / Международный научный журнал «Символ науки» № 01-1/2017. С.56-58.
8. Хошимов Э.А. (2010). Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Академнашр, 2010 й. – 168 б.
9. Абдуллаева Ш. Халқаро валюта кредит муносабатлари. Тошкент 2005 йил
10. Абдуллаева Ш.З. (2005) Халқаро валюта-кредит муносабатлари.– Тошкент қ “IQTISOD-MOLIYA”, 2005. -588 б. Бобакулов Т.И. (2007) Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: қ муаммолар ва ечимлар. – Т.: Fan va texnologiya, 2007. -184 б. Жумаев Н.Х. (2007) Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. Монография. – Т.: Fan va texnologiya, 2007.– 232 б.
11. Жумаев Н.Х., Зияев М.К., Бердияров Б.Т., Хошимов Э.А., Мирзаев Ф.И. (2010) Ўзбекистонда миллий валюта тизимини ривожлантириш: муаммолар ва ечимлар. Жамоавий монография. – Т.: Молия, 2011. – 184 б. Пакова О.Н., Нехорошева К.И., Побережная Е.В. (2017) Валютные рынки и валютные операции в условиях глобализации. / Международный научный журнал «Символ науки» № 01-1/2017. – С.56-58.
12. Хошимов Э.А. (2010). Ўзбекистонда валюта бозорини эркинлаштириш: муаммолар ва ечимлар. – Т.: Академнашр, 2010 й. – 168 б.



ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Азларова Азиза Ахроровна
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети Банк иши ва инвестициялар
кафедраси и.ф.н., доцент

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a11

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон банк тизимини рақамлаштириш масалалари, тижорат банкларининг мижозларга кўрсатаётган хизматлар кўламини кенгайтириш, янги банк хизматларини жорий этиш орқали юқори самарадорликка эришиш масалалари тадқиқ қилинган.

Калит сўзлар: тижорат банки, тараққиёт тамойиллари, рақобат, стратегия, банк маҳсулоти, банк хизматлари, мижозлар, тадбиркорлик субъектлари, валюта.

ВОПРОСЫ ЦИФРОВИЗАЦИИ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА

Азларова Азиза Ахроровна
Ташкентский государственный экономический
университет, к.э.н., доцент кафедры
«Банковское дело и инвестиции»

Аннотация. В данной статье исследованы вопросы цифровизации банковской системы Узбекистана, расширения сферы услуг, предоставляемых коммерческими банками клиентам, достижения высокой эффективности за счет внедрения новых банковских услуг.

Ключевые слова: коммерческий банк, принципы развития, конкуренция, стратегия, банковский продукт, банковские услуги, клиенты, бизнес, валюта.